

Манбаларда Убайдуллохон Шахсияти

Жамолиддин Абдуллаев¹

Аннотация: Ўзбек адабиёти тарихининг муҳим бир йиллари шайбонийлар даври билан боғлиқ. Мумтоз адабиётимиз ўзининг ранг-баранглиги ва бадий камолоти билан жаҳон маданий бойлигининг муҳим бир қисми бўлиб, жумладан, туркий халқлар тарихий тараққиёти давомида кўпгина истеъдодли ижодкорларни етиштириб берган. Шайбоний султонларидан Убайдий ҳам ўша эл фарзанди бўлиб, она тилидан ташқари араб ва форс тилларида бемалол ижод қила оладиган истеъдод соҳибларидан бири эди.

XVI аср ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос тараққиёт йўли ҳамда босқичларига эга бўлган бой давр бўлди. Бу даврдаги илғор ва пешқадам қаламкашлар ўзларигача мавжуд бўлган, биринчи навбатда Навоий ижодига хос анъаналарни давом эттирган ҳолда, замон ва давр эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб, хилма-хил шаклдаги жуда кўплаб асарларни ижод қилишга муяссар бўлдилар².

Адабиётшунос М.Мирзааҳмедова эътироф этганидек, “XVI аср маданий ҳаётини айрим тарихчилар тушкунликка юз тутган давр деб талқин этадилар, аммо бу давр тарих асарлари, тазкираларини синчиклаб ўрганиш натижасида юқоридаги фикр бир мунча тўғри эмаслиги аниқланди”³.

Туркистон маданий ва адабий ҳаёти тарихида сезиларли из қолдирган, XVI асрда яшаб ижод этган анашундай шоирлардан бири Убайдий эди. Унинг тўлиқ номини тарихчилар Убайдуллохон ибн Маҳмуд Султон ибн Будоғ Султон ибн Абулхайрхон деб қайд этганлар⁴. Абулхайрхоннинг Будоғ Султон номли ўғли бўлиб, ундан икки фарзанд дунёга келган. Биринчиси – Муҳаммад Шайбонийхон, иккинчиси эса Маҳмудхон эди. Дашти қипчоқда туғилган Маҳмудхон (х. 858- м. 1452) бобоси Абулхайрхон кўлида тарбия топган⁵. Кейинчалик у акаси Муҳаммад Шайбонийхон изидан бориб, тожу тахт учун олиб борилган бир қанча жангларда фаол қатнашган. Мовароуннаҳр 1501 йил шайбонийлар кўлига ўтгач, унга Бухорони бошқариш топширилади⁶.

Убайдуллохон ана шу Султоннинг фарзанди бўлиб, 1487 йилда (х. 892.) таваллуд топган. Тарихий ва илмий манбаларда унинг туғилиши ва вафоти санаси қайд қилинган ҳолда, лекин туғилган жойи тўғрисида маълумот жуда кам. Биз бу масала билан махсус шуғулланиб, Хоразм заминида Убайдийнинг Вазир шаҳри яқинидаги Ямани Тирсак мавзеида туғилганлигини аниқладик. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги қўлёзмалардан бирида «Убайдуллохон 892 х. (1486 -1487) санада Вазир шаҳри этагидаги Ямани Тирсак мавзеида дунёга келди», – деб ёзилган. Бунга сабаб эса Шайбонийхоннинг 880-900 х. йилларда Хоразмни эгаллаш учун қилган ҳарбий юришлари эди. Шу сафарларда унинг укаси Маҳмуд Султон ҳам унга ҳамроҳ бўлган. Бундай юришларда одатда шайбоний султонлари билан оила аъзолари бирга ҳамсафар бўлишган.

¹ ЎзЖОКУ Ўзбек тили ва адабиёт кафедраси катта ўқитувчиси

² Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Тошкент; 2000, 10-бет.

³ Мирзааҳмедова М. Хожа. Тошкент; Фан, 1975, 16-бет.

⁴ Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 94-а варақ.

⁵ Абдуллох ибн Муҳаммад Али. Тарихи Шайбонийхон. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 1505, 45-б варақ

⁶ Ўша китоб, 46 б-варақ.



Убайдуллохон таваллуд топганда, отаси Маҳмуд Султон пири ва устоди Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Аҳрорга чақалокқа ном қўйиб беришни илтимос қилади. Хожа унга илтифот қилиб, ўз номларини (Убайдуллоҳ) берган. Ёлғиз фарзанд Убайдуллохоннинг ёшлик йиллари кўпроқ Бухорода ўтган. У бошига қийинчилик ва ташвишлар тушган чоғларнинг бирида бу тўғрида шундай дейди:

Эл, кўплукни кўзга нега илгайсиз,

Ёлғиз кишидин ҳам нега кесилгайсиз.

Ёлғиз деб они кесилгайсиз ондинким,

Ёлғизнинг эрур ёри Худо, билгайсиз.⁷

Бу тўртликда унинг ёлғиз фарзанд бўлганлигига ишорат бор. Шунинг учун ҳам ёлғиз фарзанд тарбиясига Маҳмуд Султон алоҳида эътибор беради. У ўз даврининг энг етук пиру олимларидан таълим ва тарбия олиб ўсада, араб ва форс тилларини, шеър ёзиш даражасида, мукаммал ўзлаштирган.

Убайдий ҳақида Мирзо Ҳайдар ўзининг «Тарихи Рашидий» асарида унинг илм-фанда етишган камолотини таърифлаб шундай деган эди: «У ёшлигидан барча фазилятлар билан безанган. Шубоис ҳам у 7 хил хусни хатда қалам юритар, айниқса, насх хатини ҳаммадан яхши ёзарди. «Каломуллоҳ»дан бир нусха кўчириб, Ҳарамайни Шарифайн (Макка ва Мадина)га жўнатган эди. Мусиқа илмида ва ашулада мохир эди».⁸ Шунга яқин ёки ўхшаш фикрлар бошқа тарихий, илмий адабиётларда ҳам мавжуддирки, булар Убайдийнинг илм-фан ва маънавиятда катта ютуқларга эриша олганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, «Бахр ул-асрор» да «хони саодат нишон» Убайдуллохон фаннинг бир қанча тармоқларида ҳайратланарли натижаларга соҳиб бўлганлиги таъкидланган.⁹ «Нафоис ул-маосир» да эса куйидагиларни ўқиймиз: «Илми ҳадисда Убайдуллохон ҳазрати Хожа Муллои Исфажонийнинг шогирдидир ва фикрда Мавлоно Маҳмуд Азизоннинг шогирдиким, Мовароуннаҳрда уламоларнинг машхурларидан турур. Илми кироатни Мавлоно Ёрмуҳаммад Қорининг хизматларида ўтказган. Ул фанда (*Тажвид илми* - Ж.А.) бир таълиф кўргиздиким, тамоми қориларнинг тилини хатодин сақлар эрди. Муаммони яхши билур эрди».¹⁰

У 1504 йилда катта амакиси Суюнчақхон Султоннинг қизига уйланади. Шу йилнинг охирларида эса унинг отаси Маҳмуд Султон, номаълум сабабларга кўра, Қундузга ҳоким этиб тайинланади ва ўша жойда вафот этади. Шайбонийхон ёлғиз укасининг жасадини Самарқандга келтириб дафн этгач, 18 ёшли меросхўр ўғли Убайдуллохонни Бухоро тахтига ҳукмдор этиб тайинлайди. Унинг тахтга чиқишига кўпчилик илм-фан ва адабиёт намояндалари катта умид ва хурсандчилик билан қарашдики, буни ўша давр тарихчиси Мир Муҳаммад Муншийнинг шу воқеа муносабати билан ёзган тарихидан ҳам илғаш қийин эмас:

Абулғози Убайдулло Баҳодирхони динпарвар,

Биҳамдуллоҳ-ки, шуд жояш фарози маснади хони.

Муъини дини Пайгамбар шуду гардид таърихаш,

“Муъиниддин Убайдулло ибн Маҳмуд Шайбоний”.¹¹

«Тарихи Рашидий» асари муаллифи Мирзо Ҳайдар Убайдуллохоннинг тахтда ўтирган замонини қуйидагича таърифлайди: «У (Убайдуллохон) ҳамма яхши хислатларни ўзида

⁷ Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.

⁸ Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1430, 159-б варак.

⁹ Муҳаммад ибн Вали. Баҳрул асрор. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1375, 132-б варак.

¹⁰ Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б варак.

¹¹ Ўша китоб. 219-бет.



мужассамлаштирган подшоҳ эрди... У хизмат қилиб турган Бухоро халқининг яхши ва фозиллиги, фаровонлиги жиҳатидан Ҳиротни ва Ҳусайн Мирзо замонини эслатади”.¹²

Убайдуллоҳон Бухоро тахтида ўтирган йили Шайбонийхон Хоразмга юриш бошлайди. У ҳам амакисининг ёнида иштирок этиб, Хоразмни эгаллаш учун олиб борилган жангда жасур, тадбиркор ва моҳир саркарда сифатида ҳам танилади.

Умуман, Убайдуллоҳоннинг кучли ҳарбий салоҳиятга эга, шижоатли саркарда эканлиги тарихий китобларда махсус қайд этилган. «Тарихи Муқимхоний»да у «Адолат шевасида ягона, жанг жабҳасида бағоят фарзона эди» – дейилган. «Тарихи Шайбонийхоний», «Тарихи Рашидий», «Тарихи Роқимий», «Зубдат ул-асрор» сингари асарларда ифодаланган бир қанча ҳарбий воқеалар бу баҳонинг ҳаққоний эканлигини кўрсатади.¹³

Айтиш мумкинки, Убайдуллоҳон амакиси билан фақат ҳарбий юришларда эмас, балки Шайбонийхон ўтказган илмий, адабий йиғилишларда ҳам бирга бўлиб, ундан ўрнатқилишга интиланган. Шу сабабли ҳам у «давр султонлари ичида фазилат ва камолотда ягона»лиги гоҳ-гоҳ Шайбонийхоннинг номи билан боғлиқ тарзда тилга олинади.

Бу даврдаги энг катта сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар сафавийлар ва шайбонийлар ўртасида ҳам юз бериб, 1510 йили Шайбонийхоннинг Марв яқинидаги жангда ҳалок бўлгани бунинг ёрқин бир далилидир.

Сафавий қўшинлари Хуросон ва Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, халқни кўп қийратган, талаган ва вайронгарчиликларга йўл қўйган эди. Бундай ҳаракатларда уларнинг лашкарбошиси Нажми Соний ўзини гоҳ салбий томондан кўрсатган. У, масалан, Бобур билан ҳамкорликда Қаршига ҳужум қилганда, қалъани қулатиш билан бирга, бу ерда ялпи қатлиом ўтказган. Мақтуллар орасида истеъдодли форс-тожик шоири Камолиддин Биноий (1453-1512) ҳам бўлган эди.¹⁴

Ҳамма даврлар каби, бу давр ҳам ўз мураккабликларига эга бўлиб, темурийлар ва шайбонийлар орасидаги муносабатлар силсиласида, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Убайдуллоҳон масаласи диққатни ўзига тортади. Чунки бу давр сиёсий ҳаётида Убайдуллоҳон ҳам Бобурдан кам рол ўйнамаган. 1513 йил баҳорда Қўли Маликдаги (*Бухоро яқинидаги жой номи – Ж.А.*) жангда эса Убайдуллоҳон аскарларининг сони анча кам бўлгани ҳолда 40 минг қўшинга эга Бобурни енгган.¹⁵

Ғижувон қалъаси учун бўлган жангда Нажми Соний ва унинг яқинлари енгилдилар. Баъзи манбаларда Байрамбек ва Нажми Соний шу урушда ўлдирилган дейилса, Жалолиддин Мирзо Хожарнинг «Номаи Хисравон» китобида бу ҳақда бошқача маълумот берилган. Нажми Соний шу жангда қўлга тушгач, уни Убайдуллоҳон ҳузурига олиб келишган. Убайдуллоҳон ундан: «Сен қизилбошлар сипоҳининг сардоримсан?» деб сўраганда, Нажми Соний «Ҳа» деб жавоб берган. Убайдуллоҳон унинг Нажми Соний, яъни «Иккинчи юлдуз» деган лақабига ишора қилиб (асли номи Мир Ёр Аҳмад): «Жангда ёнган юлдузмисан ё офтоб?» – деб сўраган. Нажми Соний: «Шундай кунга тушиб, ҳаёт гулзоридан қўл ювишимни билганимда, ҳаргиз сардорлик номини ўзимга олмас ва шундай қора кунга тушмас эрдим», – деб жавоб берган. Убайдуллоҳон яна ундан : «Аҳду паймонни бузиб, Ҳисор халқини таладинг, Қаршини куч билан олиб, халқини кирдинг. Қуръон ва ҳадисларда, ғалаба қилгач, гуноҳкорларни авф этмоқ керак, дейилган. Сен ҳеч Қуръон ўқиганмисан ёки гумроҳ қабилангдан эшитганмисан?» – деб сўраганда, Нажми Соний: «Мен арабчани билмайман. Нима қилган бўлсам, подшо учун қилганман!» – деб жавоб берган. Шунда Убайдуллоҳон атрофдагиларга қараб: «Эрон шоҳининг билимсизлиги бизга маълум бўлди. Бир аҳмоқни лашкарбоши қилиб, бегона юртга юборибдики, унинг на илмдан ва на инсофу диёнатдан хабари бор», – деган. Сўнг уни ўлдиришга фармон берган. Аммо, Нажми Соний унга (Убайдуллоҳонга) ялиниб: «Кўз ёшимни кўриб, кечир. Жарима учун мендан 50

¹² Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 110-а варак.

¹³ Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхоний. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варак.

¹⁴ Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Тошкент; 2000, 13-бет

¹⁵ ЎзФА ШИ қўлёзма, инв. № 4538 95 “а”-“б”-варак.



минг ашрафий ол! Сўнг кўйиб юборгин, подшоҳимиздан ҳеч қачон Туркистонга келмасликка сўз олиб бераман», – деб ёлворган. Убайдуллоҳон эса: «Сендан на олтин оламану, на ўша ёмон подшоҳингдан сўз. Сендек ситампеша ва эгри фикрни ер юзида тирик қолдирмоқ элга ситамни раво кўрмоқ демакдир», – деб қатл этилишига ишора қилган.¹⁶

Убайдуллоҳоннинг адолату саховати, биринчи навбатда, дин равнақи, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, илм-фан, санъат, адабиёт ривожига ва шу соҳа кишиларининг тақдирига жиддий эътибор қилганлигида эди. Шу маънода «Музаққир ул-асҳоб»даги айрим далилларга эътиборни тортиш мақсадга мувофиқдир. Унда ёзилишича, Мавлоно Сурудий Убайдуллоҳоннинг воқеанависи бўлган. У айти пайтда жуда моҳир хаттот ҳам бўлган. Иморатларга ундан ўтказиб китобалар битадиган киши бўлмаган. Туркий ва форсий тилларда кўп яхши шеърлар битган. «Мансаб тақозосига кўра Хон (Убайдуллоҳон - Ж.А.) ҳузурига кириб тураркан. Буни кўролмаган ичкорулар Хонга арз қилиб, уни Хон ҳарамига яқин жойга кириб чиқиши муносиб эмас, дейдилар. Шу сабабли Мавлоно иш юзасидан Хон олдида кириш пайтида кўп кутиб қоладиган бўлибди ва бу шеърни ёзиб унга етказибди. Рубоий:

Хизмат қилайин деб кечалар қолурмен,

Хизматда ўзимни илгари солурмен.

Бу турфаки, мутоб шогирдидек,

Тургон сайин оллингда қийин борурмен.¹⁷

Ана шу воқеа ва шеърдан сўнг Мавлоно Сурудий Хоннинг ҳузурига бемалол кирадиган бўлган экан. Убайдий дарвештаъб шоҳ ва шоир бўлганлиги учун «Султонлар суҳбати ва хизматиға рўйхушлик» бермайдиган зуҳд ва тариқат аҳллари ҳам унга эътиқод қўйганлар, баъзи ҳолларда бу халқнинг манфаати учун ҳам фойда етказган. Музкур манбада баён этилишича, Муҳаммад Амин Зоҳид номли «Зуҳд мақомида нодири замон» бўлган бир олим султонлардан фақат Убайдуллоҳонга эътиқод боғлаган. Бир вақт мазкур Хон даврида саркорлар лашкар харжу харажатлари учун халқдан молу жон билан ўлпон ола бошлаганлар. Бу оғир номақбул ишнинг олдини олиш ҳеч кимнинг қўлидан келмай қолган. Шунда Мавлоно Муҳаммад Амин Зоҳид Убайдуллоҳонга арз қилиб, деганки, «Бу буйруқда тўртта номуносиб иш рўй берган, яъни амалдорларингиз олиниши керак бўлган кишидан олмаяптилар ва олинмаслиги керак кишилардан эса олаяптилар, берилиши керагига бермаяптилар ва бермаслик лозим бўлганларга бераяптилар. Ана шундан сўнг Хон ноҳақ чиқарилган (ўлпон) фармонини бекор қилган экан. Лекин Хоннинг баъзи гумроҳ амалдорлари Муҳаммад Зоҳидга душманликларини пинҳона қила бошлаган, ноилож Шайх Хуросон томон сафарга чиқади, аммо йўлда Сурхондарё вилоятидаги Вахшивор қишлоғида вафот этади.

Фахрий Ҳиротий Убайдуллоҳонни Ҳиротда кўриб, уни «дарвеш кийимидаги шоҳ», деб айтган экан. Убайдийнинг ўзи ҳам бу хусусда бир ғазалида

Дарвешман ўз ҳолима, эй банда Убайдий,

Юз шукрки, ҳоқони Кабоду Жом эмасмен.¹⁸

Убайдуллоҳоннинг замондошлари эътироф этганидек адолат ила олиб борган сиёсати, бебаҳо адабий меросидаги илоҳий ишқ, ватанга бўлган садоқат, инсонийлик, ҳикмат ва жасурлик шартлари хусусидаги ўғитлари XVI асрда қанчалик муҳим бўлган бўлса, уларнинг аҳамияти бугунги кун ёш авлодлар тарбияси учун ҳам муҳим саналади. Хулоса қилиб айтганда, Убайдуллоҳон ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ҳикматларидаги ўғитлардан керакли хулосалар чиқаришимизга, улкан сабоқлар олишимизга сабаб бўлади. Зеро келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларимизнинг энг гўзал фазилатарни ўзида мужассам этган баркамол инсон бўлиб етишувида Убайдий асарларининг ўрни алоҳидадир.

¹⁶ Ўз ФА ШИ. Инв. № 54/1. – Б. 220.

¹⁷ Хасанхўжа Нисорий. Музаққир Ахбоб. – Тошкент; 1993, 212-бет.

¹⁸ Убайдий девони, 45-б бет.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев М. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Тошкент; 2000, 10-бет.
2. Мирзааҳмедова М. Хожа. Тошкент; Фан, 1975, 16-бет.
3. Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 4538, 94-а варақ.
4. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Али. Тарихи Шайбонийхон. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, Инв. № 1505, 45-б варақ
5. Убайдий девони. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8931, 529-бет.
6. Муҳаммад ибн Вали. Бахрул асрор. ЎзФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1375, 132-б варақ.
7. Нафоис ул-маосир. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 878, 104-б варақ.
8. Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхоний. ЎзФА ШИ қўлёзмаси инв. № 7280, 110-а варақ.
9. Ўз ФА ШИ қўлёзма, инв. № 4538 95 “а”-“б”-варақ.
10. Ўз ФА ШИ. Инв. № 54/1. – Б. 220.
11. Хасанхўжа Нисорий. Музакири Ахбоб. – Тошкент; 1993, 212-бет

